

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ТДПУ ректори
_____ А.Умаров

2020 йил
“ ”

“КЕЛИШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2020 йил “ ”

Рўйхатга олинди: № БД-5112100 -3.03
2020 йил “ ”

МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар
Таълим соҳаси: 110000 – Педагогика
Таълим йўналиши: 5112100 – Технологик таълим

Фан/модуль коди МаhТТ30012	Ўқув йили 2020-2021	Семестр 2-3-4	ECTS - Кредитлар 12
--------------------------------------	-------------------------------	-------------------------	-------------------------------

		2021-2022		
Фан/модуль тури Мажбурий		Таълим тили Ўзбек/рус		Ҳафтадаги дарс соатлари 4-4-4
1.	Фаннинг номи	Аудитория машғулоти (соат)	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
	Маҳсулот тайёрлаш технологияси	180	180	360
2.	<p>I. Фаннинг мазмуни:</p> <p>Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларга ўз касбининг моҳир устаси қилиб тарбиялаш, уларга буюм ва маҳсулотлар тайёрлаш технологияси, буюм ва маҳсулотлар тайёрлашда хомашё танлаш ҳамда тайёрлашни, буюм ва маҳсулотлар тайёрлашда хомашё ва буюмларга ишлов бериш технологияси ёғоч ва металлнинг хусусиятлари тўғрисида бошланғич билимларни бериш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - талабаларга сервис хизмати бўйича тикувчилик буюмлари ҳақида умумий маълумот бериш, кийимлар учун фасон ва газлама танлаш, андаза тайёрлаш, андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш; - талабаларга сервис хизмати бўйича пазандачилик ҳақида маълумот бериш, озиқ-овқат маҳсулотларнинг турлари, навлари, сифатига бўлган талаблар, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашга қўйиладиган санитар-гигиена талабларини, тайёрланган таомнинг таомномасини тузиш, таомларни қандай режимда қандай меёрда истеъмол қилиш, касаллик турларига кўра даволовчи таомлар ҳақида маълумотлар бериш бўйича билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш. <p>Фаннинг вазифаси - талабаларга буюм ва маҳсулотлар тайёрлаш технологияси ҳақида асосий тушунча ва тасаввурларни ривожлантириш, буюм ва маҳсулотлар тайёрлашда хомашё танлаш ҳамда тайёрлашни ўргатиш, буюм ва маҳсулотларни тайёрлашда йиғиш ва тайёр ҳолга келтириш технологиясини, тайёрланган буюм ва маҳсулотларни безаш, пардозлаш ва дизайн бериш технологияси, буюм ва маҳсулотларни тайёрлашда меҳнат муҳофазаси ва техника хавсизлиги, замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари ва улардан фойдаланиш технологияси ҳақида билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - талабаларга сервис хизмати бўйича тикувчилик буюмлари ҳақида умумий маълумот бериш, кийимлар учун фасон ва газлама танлаш, андаза тайёрлаш, андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш; - талабаларга сервис хизмати бўйича пазандачиликка оид маълумотлар бериш, маҳсулотларга бирламчи ишлов бериш, таомлар тайёрлаш жараёнини кўрсатиб бериш, тайёрланган таомларни дастурхонга тортиш тартибига оид кўникма ва малакаларни шакллантириш. <p>II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)</p>			

(Технология ва дизайн. Металл ва металлмас буюмларни тайёрлаш технологияси.)

II. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:

1-мавзу. Технология ва дизайн. Махсулот тайёрлаш технологияси фанининг мақсад ва вазифаси.

Технология ва дизайн Махсулот тайёрлаш технологияси фанининг мақсади ва вазифалари. Технология ва дизайн тушунчаси. Фанининг назарий асослари, ишлаб чиқаришда янги техника ва илғор технологиялар билан талабаларни таништириш. Фан техника тараққиётини жадаллаштириш омиллари ва истиқболлари. Ишлаб чиқаришда буюмлар тайёрлашнинг функционал вазифалари ҳақида талабаларни билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантириш ҳамда талабаларда технологик компетенцияларни ривожлантириш. Буюм турлари ва тушунчалари.

2-мавзу. Металл ва металлмас конструкцион материаллар тўғрисида маълумот.

Металл ва металлмас конструкцион материаллар тўғрисида маълумотлар, уларнинг ҳозирги замон жамиятини шаклланиши, ишлаб чиқаришнинг янги соҳалари, фани ва техника ривожланишидаги роли.

3-мавзу. Металлдан тайёрланадиган буюмларга хомашё танлаш ва тайёрлаш технологияси.

Конструкцион материал сифатида қурилишда, мебел ва дурадгорлик буюмларида, халқ хўжалиги ва рўзғор асбоб-анжомлари ишлаб чиқаришда буюмларга хомашё танлаш, чўян, пўлат ва рангли металлдан тайёрланган куймалар, болғаланган ва штампланган хомашё, пўлатдан совутилган ва қиздирилган ҳолларда тайёрланган прокатлар ва рангли металл-прокатлари. Хомашёнинг турлари, материалига, шаклига, деталнинг хизмат вазифасига ва машиналарда йиғилган ҳолда ишлаш шарт-шароитларига боғлиқлиги. Шаклдор деталлар тайёрлаш жараёнида чўзилиш ва эгилиш таъсирида ишлатиладиган чўянлар. Болғалаш ёрдамида эгилишга, чўзилишга буралишга ишловчи ва кўндаланг кесими бўйича ўлчамларида фарқ бўлган металл хомашёлар. Айлана, квадрат, олти бурчакли прокатлардан тайёрланган хомашё танлаш.

4-мавзу. Замонавий асбоблар, дастгоҳлар ва қурилмаларни тузилиши ишлаши ва улардан фойдаланиш технологияси.

Замонавий ёғоч, металл ва пластмасса кесувчи асбоблар, ишлов берувчи дастгоҳлар, ёрдамчи ва асосий қурилмалар., уларнинг тузилиши, ишлаш принципи, ишлов бериш турлари, вазифасига кўра таснифи. Саноат дастгоҳлари, ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган асбоб ва қурилмалар, уларнинг тузилиши. Замонавий асбоблар, дастгоҳлар ва қурилмалардан фойдаланиш тартиби.

5-мавзу. Қора металллар. Пўлат ва чўян.

Легирланган конструкцион ва асбобсиз пўлатлар. Махсус хоссалар ва уларнинг хоссаларига легирловчи элементларнинг таъсири. Чўян. Оқ ва кулранг мустаҳкамликка эга бўлган чўянлар. Боғланувчан чўянлар. Махсус легирланган чўянлар.

6-мавзу. Рангли металллар ва уларнинг қотишмалари.

Рангли металллар. Рангли металл қотишмаларининг турлари. Мис ва унинг қотишмалари; алюминий ва қотишмалар (алюминий асосли, магнийли, титанли); никел ва қийин эрувчи металл асосли қотишмалар. Уларнинг тузилиши хоссаси ва ишлатилиши.

7-мавзу. Антифрикцион қотишмалар.

Композицион материаллар. Уларнинг тузилиши хоссаси ва ишлатилиши.

8-мавзу. Металл ва қотишмаларга термик ишлов бериш.

Тоблаш ва бўшатиш. Нормаллаш ва юмшатиш. Совутиш ва қиздириш жараёнида содир бўлувчи ҳолат ўзгаришлар (аустенит, перлит, мертенсит, бейнитлар).

9-мавзу. Металл буюм ва заготовкларни йиғиш ва бириктириш технологияси.

Йиғиш ишларининг ташкил қилиш шакллари ва йиғиш тамойиллари. Йиғиш ишларини механизациялаш ва автоматлаштириш. Подшипникли йиғма бирикмалар. Тишли ғилдиракли йиғма бирикмалар. Резбали бирикмаларни йиғиш. Айланувчи деталларни мувозанатлаш. Йиғилган маҳсулотни техник назоратдан ўтказиш ва синаш.

10-мавзу. Деталларга механик ишлов бериш технологияси.

Ишлов бериладиган юзаларни ўлчамлари. Ишлов берилмаётган юза, базавий юзала, ишлов берилмайдиган юза. Аниклик тўғрисида тушунча. Ишлов бериш аниқлигига таъсир этувчи асосий омиллар. Механик ишлов берилган металл сиртининг физик-механик хусусиятлари.

11-мавзу. Юзанинг ғадир-будирлик даражаси (бўйича қилиб айтганда юзанинг тозалиги ёки текислиги).

Металл кесиш дастгоҳлари, мосламалар, кесувчи ва ўлчовчи асбоблар танлаш. Деталларни синфларга ажратиш. Юзаларга электр ёрдамида ишлов бериш технологияси.

12-мавзу. Бирикмали деталлар тайёрлаш, конуссимон, шаклдор ва фасон юзалар ҳосил қилиш ҳамда ишлов бериш технологияси.

Бирикмали фалесли деталлар тайёрлаш, конуссимон, шаклдор ва фасон юзалар ҳосил қилиш ҳамда ишлов бериш технологияси.

13-мавзу-Металларни гравюралаш.

Металларга рангли лазерли гравюра ёрдамида композиция чизиш технологияси.

14-мавзу-Металларга бадий ишлов бериш технологияси.

Решетка, эшик, дорвоза ва турли ҳил шаклдор буюмлар.

15-мавзу. Ёғочдан тайёрланадиган буюмлар ва маҳсулотларга хомашё танлаш ва тайёрлаш технологияси.

Ёғоч хомашё тайёрлаш тўғрисида асосий тушунчалар. Буюм ясаш технологияси ва ясалган буюмнинг сифати, ишлатилган материалнинг хоссаларига боғлиқлиги, конструкцион материал сифатида қурилишда, мебел ва дурадгорлик буюмларида, спорт буюмларида, мусиқа асбобларида, рўзғор асбоб-анжомлари ишлаб чиқаришда буюмларга хомашё танлаш.

16-мавзу. Ёғочдан тайёрланадиган буюмлар ва маҳсулотларга хом ашё олишда ёғоч материалларини қуришиш технологияси.

Ёғочни қуритиш тўғрисида асосий малумотлар, ёғочни қуритишнинг асосий мақсади, ёғочни очик жойда қуритиш, очик жойда қуритишни ташкил этиш ва амалга ошириш, очик жойда қуритиш усулларининг авзаллиги ва камчиликлари. Ёғочни сунъий қуритиш, сунъий қуритиш турлари, қуритиш камералари ва сушилкаларнинг хиллари, улардан фойдаланиш механизмлари. Замонавий гидротермик ишлов бериш орқали уларни қуритиш, термоёғоч материаллини олиш технологияси.

17-мавзу Ёғоч, материали хомашёларини йўниш, кесиш, ўйиш ва қирқиш технологияси.

Ёғоч материалларини йўнишда ишлатиладиган қўл асбобларни тузилиши ва ишлатиш технологик жараёнлари. Ёғоч материалларини ўйиш станоклар ва электр қурилмаларни тузилиш ва уларни ишга созлаш технологияси. Ёғоч материалларини йўнишда меҳнат ҳавфсизлиги қоидалари.

18-мавзу. Ёғочдан тайёрланганларни йиғиш ва бириктириш технологияси.

Ёғоч, асосли буюм ва заготовкларни йиғиш ва бириктиришда елимларнинг хиллари ва асосий хоссалари, казеин ва албуминелимлари. Бирикма турлар ва бриктириш усулари. Деталларни мих, бурама мих, ёғоч михлар билан бириктириш технологияси. Бирикмани бажаришда қўлланиладиган мосламалар, асбоблар ва материаллар. Мих ва бурама мих, ёғоч михларни танлаш технологияси. Деталларни бириктиришда сифат талаби. Сифатсизлик турлари ва уларни бартараф қилиш технологияси

19-мавзу. Ёғоч ўймакорлиги.

Ёғоч ўймакорлиги усталари. Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган материал ва уларнинг турлари. Дарахт турлари, елимлар.

20-мавзу. Ёғоч ва фанерларга куйдириб ишлов бериш технологияси.

Ёғоч ва фанерларга куйдириб ишлов бериш усуллари, ёғоч ва фанерларга куйдириб ишлов бергвчи асбоблари. Ёғоч ва фанерларга куйдириб ишлов беришда пардозлаш ва дизайн.

21-мавзу. Ёғоч ва фанерларга нақш бериш технологияси.

Ёғоч ва фанерларга оддий нақш ўйиш ислимий гуллар (1-10).

22-мавзу. Ёғочларни ўйиб нақш солиш технологияси.

Буюм танлаш ўлчамини олиш унга нақш чизиш ва пардоз бериш технологияси.

23-мавзу. Ганч ўймакорлиги.

Ганч ўймакорлиги турлари .Замин ўйма. Чуқур ўйма.

24-мавзу. Ганч ўймакорлигида ишлатиладиган материаллар ва уларни ишлатиш технологияси.

Ганч. Тез ганч. Сохта ганч. Дуқоб усули. Ховонда. Гипс. Ширач.

25-мавзу Ганчда ишлатиладиган асбоб ускуналар.

Жаррохлик пичоғи(скалпел), искана, шутургардон, пух қалам, минқор, морпеч қалам, лух, пилта қаламнова, шукуфта, лўлакашшарафа қаламлар

26-мавзу. Оддий нақш намуналарини чизиш.

Баргли занжира, якрафтор, баргли рафтор, баргли ислими, айлана ислими, меҳроб ислими бофта ислими, ислими шкуфта.

27-мавзу. Меъморий обида.

Меъморий обидалар ва улардаги нақшлар, ганчлар, ёғоч ўймакорлиги Амир Темур курдирган меъморий обидалар.

28- мавзу. Замоनावий иншоотлар.

Мустақилликдан олдинги ва кейинги замоनावий иншоотлар интерерлар, ёдгорликлар.

29-мавзу. Резина материаллар.

Резина турлари, таркиби хоссаси ва ишлатилиши.

30-мавзу. Резинадан деталлар, тайёрлаш технологияси.

Хом резина тайёрлаш. Хом резинадан турли қалинликдаги лист, лента, матолар, ҳар хил шаклдаги заготовка, трубка, чилвир, мураккаб шаклли буюмлар тайёрла.

30-мавзу. Елимловчи материаллар.

Елимловчи материалларнинг таркиби, уларнинг классификацияси ва ишлатилиши. Лакловчи ва бўёвчи материаллар. Лакловчи ва бўёш материалларининг классификацияси, ишлатилиши ва уларни қўллаш методлари.

31-мавзу. Плёнка ва лист кўринишидаги пардозлаш материалари.

Полимерли плёнкалар ва уларнинг турлари. Смола шимдирилган қоғоз асосли пардозлаш материалари. Қисман поликонденсацияланган смола шимдирилган қоғоз асосли плёнкалар. Шимилган смола тўлиқ қотган лист ва рулон материаллар. Лок-бўёқ материаллар ва парда қатламларнинг классификацияси ҳамда белгиланиши. Сув билан суюлтирадиган лок-боёқ материаллар.

32-мавзу. Пардоз материалларни қошлаш усуллари.

Пилта ва деталларни лист ҳамда плёнка материаллар билан қошлаш. Ёғоч пилитали материалларни ламинарлаш усули билан пардозлаш. Суюқ лок-бўёқ материалларни пневматик пуркаш усулида қошлаш.

33-мавзу Локларни қиздириб пуркаш усуллари

Локларни қиздириб пуркаш ва бунда ишлатиладиган асбоб-ускуналар. Лок-боёқ материалларини механик усулда пуркаш. Лок-боёқларни ёқори кучланишли электрмайдонида пуркаш. Электр майдонида пуркашда ишлатиладиган асбоб-ускуналар. Локбоёқ материалларини ботириб олиш усулда қошлаш.

34-мавзу. Лок-бўёқ парда қатламларини қуритиш усуллари ва иш режимлари.

Парда қатламлари хосил бўлиш жараёнлари. Учучан эритувчиларнинг буғланиш хисобига қошламаларнинг қотиши. Парда қатлам сиртини кўркамлаштириш, текислаш усуллари. Парда қатлам сиртини жилвирлаш йўли билан текислаш. Парда қатлам сиртини жиловлаш орқали силиқлаш.

35-мавзу. Шиша материаллари.

Шижанинг тузилиши, таркиби, хоссалари. Шиша олиш учун хомашё. Шиша пишириш технологияси. Шишалардан маҳсулот олиш. Шишаларнинг классификацияси ва ишлатилиши. Шишадан тайёрланган маҳсулотларга механик ва термик ишлов бериш.

36-мавзу. Пластик массалар.

Пластик массалар оддий, мураккаб, тўлдиргичлар, стабилизаторлар,

катализаторлар. Термопластик ва терморреактив пластмассалар.

37-мавзу. Пластмассалардан деталлар тайёрлаш технологияси.

Қуйиш усули, қиздириб пресслаш, улар ичида босим билан қуйиш, сиқиб чиқариш, пресслаш усулида деталлар тайёрлаш.

38-мавзу. Композицион материаллар.

Композицион материалларга ишлов бериш технологияси. Композицион материаллар тайёрлашнинг муҳим технологик усуллари, композицион материаллар тайёрлашнинг муҳим технологик усуллари. Асфальт қопламалари ва уларнинг таркиби, полимер композицион материаллар, керамик композицион материаллар ишлаб чиқарилиши ва қўлланилиши.

39-мавзу. Керамика ва электротехник материалларга ишлов бериш технологияси.

Керамик материалларнинг турлари ва уларга механик ва ҳарорат хоссаларини билган ҳолда, яни қаттиқлиги, мустаҳкамлиги ва юқори ҳароратларга чидамлилигини инобатга олиб ишлов бериш жараёнлари Электр техник пўлатларга ишлаб чиқариш ва ишлов бериш. Замонавий ишлаб чиқариш объектлари ва соҳалари

40-мавзу. Электр монтаж ишлар.

Электр монтаж ишлари, уларда фойдаланиладиган асбоблар турлари ва тузилиши. Электр монтаж ишларида иш ўрнини ташкил қилиш. Электр ўтказиш сим турлари. Электр монтаж ишларини бажариш усуллари ва уларда фойдаланиладиган асбобларни ишлатиш технологияси

(Сервис хизмати. Тикувчилик буюмларини тайёрлаш технологияси ва пазандачилик асослари.)

1-мавзу. Фаннинг мақсад ва вазифалари. Техника ҳавфсизлиги қоидалари. Тикувчилик буюмлари ҳақида умумий маълумот бериш, уларга фасон ва газлама танлаш.

Фаннинг мақсад ва вазифалари, техника ҳавфсизлиги қоидалари ҳақида маълумот бериш. Тикувчилик буюмлари ҳақида умумий маълумот бериш, уларга фасон ва газлама танлаш.

2-мавзу. Тикувчилик буюмларини тикиш учун андаза тайёрлаш, андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш технологияси.

Тикувчилик буюмларини тикиш учун андаза тайёрлаш, андазани газламага жойлаштириш, бичиладиган бўлақлар учун бериладиган чок ҳақлари, ип йўналишлари ҳақида, бичиш ва бичилган бўлақларга ишлов бериш, тикиш, кийимни биринчи ва иккинчи кийдириб кўришга тайёрлаш, кийимга НИИБ, кийимни тикиб битириш ва безакларини тикиш технологияси.

3-мавзу. Ошхонада кийиладиган кийимлар ҳақида маълумот, уларга газлама ва фасон танлаш.

Ошхонада кийиладиган кийимлар ҳақида маълумот бериш. Ошхонада кийиладиган фартук, рўмол учун фасон ва газлама танлаш, ушлагичлар ва чойнак учун ёпгичлар учун газлама танлаш, андаза тайёрлаш, андазага фасон чизиқларини киритиш.

4-мавзу. Ўғил болалар кийимлари ҳақида маълумот, уларга газлама ва фасон танлаш.

Ўғил болалар кийимлари ва уларнинг бичимлари ҳақида маълумот бериш. Гўдакларлар кийимлари уларнинг бичимлари, тикиладиган чок турлари, газламалари ҳақида маълумот бериш, ўғил болалар ич кийими, ўғил болалар кўйлаги, ўғил болалар шими учун андаза тайёрлаш, андазага фасон чизиқларини киритиш, газлама танлаш.

5-мавзу. Қиз болалар кийимлари ҳақида маълумот, уларга газлама ва фасон танлаш.

Қиз болалар кийимлари ва уларнинг бичимлари ҳақида маълумот бериш. Қиз болалар тунги кўйлаги, мактаб ёшигача бўлган қизлар кўйлаги, мактаб ёшидаги қизлар кўйлаги, қиз болалар юбкалари учун газлама, фасон танлаш, андаза тайёрлаш ва андазага фасон чизиқларини киритиш.

6-мавзу. Аёллар кийимлари ҳақида маълумот, уларга газлама ва фасон танлаш.

Аёллар кийимлари ва уларнинг бичимлари ҳақида маълумот бериш. Аёллар ич кийимлар, аёллар тунги кўйлаги, аёллар учун юбка, блузка, аёллар миллий кўйлаги, аёллар кўйлаги, аёллар пиджагиларига фасон, газлама танлаш ва андаза тайёрлаш ва андазага фасон чизиқларини киритиш.

7-мавзу. Эркаклар кийимлари ҳақида маълумот, уларга газлама ва фасон танлаш.

Эркаклар кийимлари ҳақида, уларнинг бичимлари ҳақида маълумот бериш. Эркаклар ич кийими, эркаклар тунги кийими, эркаклар кўйлаги, эркаклар шими, эркаклар курткаларига газлама фасон танлаш, андаза тайёрлаш ва андазага фасон чизиқларини киритиш.

8-мавзу. Озиқ овқат маҳсулотлари турлари. Сабзавотлар уларнинг турлари таркиби озуқавий қиймати.

Озиқ овқат маҳсулотлари турлари Сабзавотлар уларнинг турлари таркиби озуқавий қиймати. Сабзавотларга бирламчи ишлов бериш ва турли таомлар учун тўғраш усуллари. Сабзавотлардан яхна таомлар тайёрлаш, дастурхонга тортиш тартиби. Сабзавотларни пишириш усуллари (қайнатиш, қовуриш, буғда димлаш). Иссиқ ишлов бериш усуллари. Қайнатиш ва қовуриш усуллари. Маҳсулотларга иссиқ ишлов берилганда бўладиган ўзгаришлар. Картошка бўтқасини тайёрлаш технологияси (картошка бўтқасини тайёрлаш босқичлари ва техника хавфсизлиги қоидалари).

9-мавзу. Дон ва дон маҳсулотлари уларнинг озуқавий қиймати ва таом тайёрлаш

Дон ва дон маҳсулотлари турлари. Ёрма бўтқалар тайёрлаш технологияси. Макарон маҳсулотларидан тайёрланган таомлар. Ёрма, дуккакли ва макарон маҳсулотларига дастлабки ишлов бериш. Ёрма таомлари сифатига қўйиладиган талаблар.

10-мавзу. Хамирдан тайёрланадиган маҳсулотлар

Хамиртурушли хамир ишлаб чиқариш технологияси. Хамиртурушсиз (прессланган) хамир ишлаб чиқариш. Қатламли хамир. Уваланадиган оширма хамир. Пиширилган хамир. Бисквитли хамир. Кекслар учун хамир. Хамиртурушли хамирдан маҳсулот ишлаб чиқариш. Хамиртурушсиз (оддий) хамирдан маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Хамирдан маҳсулотлар пишириш..

Хамирни пиширишда юз берадиган жараёнлар. Хамиртурушли хамир учун қийма тайёрлаш . Хамирдан тайёрланган ярим тайёр маҳсулотларни безаш.

11-мавзу Тухум ва унинг озуқавий қиймати, пишириш усуллари

Тухумнинг озуқавий қиймати (қайнатиш, қовуриш) Тухум ва унинг озуқавий қиймати, пишириш усуллари ва хавфсизлик техникаси қоидалари. Очиқ, ёпиқ ва газак учун бутербродларни тайёрлаш ва дастурхонга тортиш ва хавфсизлик техникаси қоидалари.

12-мавзу: Парҳез таомлари уларни тайёрлаш тартиби

Парҳез №1 Парҳез №2 Парҳез №3 Парҳез №4 Парҳез №5 Парҳез №6 Парҳез №7 Парҳез №8 Парҳез №9 Парҳез №10 Парҳез №11 Парҳез №12 Парҳез №13 учу таом тайёрлаш Маҳсулотларга умумий тавсиф бериш ва овқатларни тайёрлаш усуллари

13-мавзу. Иссиқ ичимлик ва шифобахш дамламаларни тайёрлаш технологияси

Иссиқ ичимлик ва шифобахш дамламаларни тайёрлаш технологияси ва хавфсизлик техникаси қоидалари. Чой ишлаб чиқариш, навлари, сифатига бўлган талаблар, шароитлари. Қаҳва ичимликлари. Доривор ва зираворларнинг овқатланишдаги аҳамияти, турлари, пазандаликда ишлатилиши. Озиқ-овқат концентратлари.

14-мавзу. Ун ва дон маҳсулотларининг озуқавий қиймати ва аҳамияти.

Хамир турлари ва уни тайёрлаш технологияси. Нон ёки лочира пишириш технологияси. чак-чак тайёрлаш технологияси ва дастурхонга тортиш тартиби. Бисквит хамирини тайёрлаш технологияси ва безаш. Дон маҳсулотлари турлари. Ёрмалар турлари, сифати, пазандачиликда ишлатилиши. Ун, ун сифати кўрсаткичлари, сифатини аниқлаш усуллари. Нон ва нон маҳсулотлари турлари, сифати кўрсаткичлари, сақлаш шароити. Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, турлари, навлари, пазандаликда ишлатилиши.

15-мавзу.Сут ва сут маҳсулот турлари, сифатига бўлган талаблар, сақланиши ва муддати. ширгуруч пишириш ва дастурхонга тортиш қоидалари

Сут ва сут маҳсулотларининг озиқлик қиймати. Сут турлари. Қаймоқ. Ачитилган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни, сифати, сақлаш шароити. Қайта ишланган сут маҳсулотлари турлари. Пишлоқ ишлаб чиқариш, унинг турлари, сифати, сақлаш шароити ва муддатлари. Сут ва сут маҳсулот турлари, сифатига бўлган талаблар, сақланиши ва муддати. ширгуруч пишириш ва дастурхонга тортиш қоидалари

16-мавзу. Гўшт (мол, қўй, товуқ) ва балиқ маҳсулотларининг озуқавий қиймати, аҳамияти, турлари, уларнинг сифатига бўлган талаблар.

Гўшт (мол, қўй, товуқ) ва балиқ маҳсулотларининг озуқавий қиймати, аҳамияти, турлари, уларнинг сифатига бўлган талаблар Гўшт ёки балиқни (тозалаш) ва бўлақларга бўлиш тартиби. Гўштга бирламчи ишлов бериш. Гўшздан ярим тайёр масаллиқлар. Парранда гўштига бирламчи ишлов бериш ва ярим тайёр масаллиқлар тайёрлаш.

17- мавзу. Балиқлар. Сақлаш ва қайта ишлаш жараёни

Балиқнинг кимёвий таркиби ва озиклик қиймати. Балиқ оилалари. Тирик, совутилган, музлатилган балиқларнинг сифат кўрсаткичлари. Балиққа бирламчи ишлов бериш ва ярим тайёр масаллиқлар тайёрлаш. Тузланган, куритилган, дудланган балиқлар. Балиқ консервалари. Икранинг озиклик қиймати, турлари.

III. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

(Технология ва дизайн. Металл ва металлмас буюмларни тайёрлаш технологияси.)

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

- 1-мавзу. Симлар билан ишлаш ва улардан турли ҳил буюмлар тайёрлашни ўрганиш.
- 2-мавзу. Халқ ҳунармандчилиги буюмларини тайёрлаш (чаккич, турли ҳил металл қолиплар ва ҳк.
- 3-мавзу. Заргарлик буюмларини тайёрлашни ўрганиш.
- 4-мавзу. Юпқа металл листлардан қолиплар тайёрлашни ўрганиш.
- 5-мавзу. Деразалар учун панжара тайёрлашни ўрганиш.
- 6-мавзу. Ҳовли учун панжара тайёрлашни ўрганиш.
- 7-мавзу. Металл листлардан эшик ва дарвозалар тайёрлашни ўрганиш.
- 8-мавзу. Металл листлардан турли ҳил макет ва моделлар тайёрлашни ўрганиш
- 9-мавзу. Металл листлардан халқ ҳунармандчилигига оид ихтиёрий ўз кизиқишига кўра буюмларини тайёрлашни ўрганиш.
- 10-мавзу. Металл листларга рангли лазерли гравюра ёрдамида композиция чизишни ўрганиш технологияси.
- 11-мавзу. Ёғочдан болалар стулчасини тайёрлашни ўрганиш.
12. Фанералардан халқ ҳунармандчилик буюмларини тайёрлашни ўрганиш.
13. Кулолчилик буюмларини тайёрлашни ўрганиш.
14. Тўрт бурчакли, уч бурчакли, овалсимон шукатулка (кутича) тайёрлашни ўрганиш.
15. Замонавий телефон, китоб жавони ҳамда ошхона жиҳозларини тайёрлашни ўрганиш.
16. Турли ҳил материаллардан фойдаланиб хона интерери модели ва макетини тайёрлашни ўрганиш.
17. Турли ҳил материаллардан фойдаланиб меъморай обидалар модели ва макетини тайёрлашни ўрганиш.
18. Ганчдан турли ҳил формадаги буюмлар, моделларини тайёрлашни ўрганиш.
19. Турли ҳил материаллардан фойдаланиб турли ҳил формадаги, шаклдаги ёғоч ўймакорлик буюмларини, тайёрлашни ўрганиш.
20. Турли ҳил органик материаллардан фойдаланиб турли ҳил формадаги, шаклдаги интерер буюмларини, моделларини тайёрлашни ўрганиш.
21. Резина, шиша материаллардан фойдаланиб турли ҳил формадаги буюмлар, моделларини тайёрлашни ўрганиш.
22. Полимер (пластмасс массалар) материаллардан фойдаланиб турли ҳил формадаги буюмлар, моделларини тайёрлашни ўрганиш.
23. Композит материаллардан фойдаланиб турли ҳил формадаги, шаклдаги

интерер буюмларини, моделларини тайёрлашни ўрганиш.

24. Шишадан тайёрланган махсулотларга механик ва термик ишлов беришни ўрганиш.

25. Замонавий керамик ишлаб чиқариш объектлари ва соҳаларини ўрганиш.

26. Электр монтаж ишларини бажариш усуллари ва уларда фойдаланиладиган асбобларни ишлатиш технологиясини ўрганиш.

27. Композицион материаллар тайёрлашнинг муҳим технологик усулларини ўрганиш.

28. Қурилишда ва мебеллар ишлаб чиқаришда табиий ҳолида ёки қайта ишланган ҳолида қўлланиладиган смолаларни ўрганиш.

(Сервис хизмати. Тикувчилик буюмларини тайёрлаш технологияси ва пазандачилик асослари.)

1-мавзу. Техника ҳавфсизлиги қоидалари. Тикувчилик буюмлари ҳақида умумий маълумот бериш, уларга фасон ва газлама танлаш, андаза тайёрлаш, андазага фасон чизиқларини киритиш технологияси.

2-мавзу. Қиз болалар учун ошхона фартути ва рўмоли учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.

3-мавзу. Чойнак ёпқичи ва таглиги учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.

4-мавзу. Чақлоқлар кийимлари учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.

5- мавзу. Ўғил болалар ич кийими учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.

6- мавзу. Ўғил болалар кўйлаги учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.

7- мавзу. Ўғил болалар шими учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.

8- мавзу. Қиз болалар тунги кўйлаги учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.

9- мавзу. Мактаб ёшигача бўлган қизлар кўйлаги учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.

10- мавзу. Мактаб ёшидаги қизлар кўйлаги учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.

11-мавзу. Қиз болалар юбкалари учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.

12- мавзу. Аёллар ич кийими учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.

13- мавзу. Аёллар кийимидаги виточкалар учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.

14-мавзу. Аёллар тунги кўйлаги учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.

15- мавзу. Аёллар юбкеси учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.

16- мавзу. Аёллар блузкеси учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.

- 17-мавзу. Аёллар миллий кўйлаги учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.
- 18- мавзу. Аёллар кўйлаги учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.
- 19- мавзу. Аёллар пиджаги учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.
- 20- мавзу. Эркаклар ич кийими учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.
- 21- мавзу. Эркаклар тунги кийими учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.
- 22- мавзу. Эркаклар кўйлаги учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.
- 23- мавзу. Эркаклар шими учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.
- 24- мавзу. Эркаклар курткеси учун андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш.
- 25-мавзу. Сабзавотларга бирламчи ишлов бериш ва турли таомлар учун тўғраш усуллари.
- 26-мавзу. Сабзавотлардан яхна таомлар тайёрлаш, дастурхонга тортиш тартиби
- 27-мавзу. Сабзавотларни пишириш усуллари (қайнатиш, ковриш, бугда димлаш). Иссиқ ишлов бериш усуллари.
- 28-мавзу. Картошка бўтқасини тайёрлаш технологияси (Картошка бўтқасини тайёрлаш босқичлари ва техника хавфсизлиги қоидалари).
- 29-мавзу. Ёрма бўтқалар тайёрлаш технологияси.
- 30-мавзу. Макарон маҳсулотларидан тайёрланган таомлар.
- 31-мавзу. Қатламли хамир. Уваланадиган оширма хамир.
- 32-мавзу. Пиширилган хамир. Бисквитли хамир. Кекслар учун хамир.
- 33-мавзу. Хамирдан маҳсулотлар пишириш..
- 34-мавзу. Очиқ, ёпиқ ва газак учун бутербродларни тайёрлаш ва дастурхонга тортиш
- 35-мавзу. Пархез таомлари уларни тайёрлаш тартиби Маҳсулотларга умумий тавсиф бериш ва овқатларни тайёрлаш усуллари
- 36-мавзу. Иссиқ ичимлик ва шифобахш дамламаларни тайёрлаш технологияси
- 37-мавзу. Қуймоқ тайёрлаш тартиби ва дастурхонга тортиш. Эрталабки нонушта учун дастурхон безаш
- 38-мавзу. Хамирли таомлар тайёрлаш технологияси
- 39-мавзу. Ўзбек миллий суюқ таомларини тайёрлаш технологияси
- 40-мавзу. Парранда гўштига бирламчи ишлов бериш ва ярим тайёр масалликлар тайёрлаш.
- 41-мавзу. Балиқ (тозалаш) гўштига бирламчи ишлов бериш ва ярим тайёр масалликлар тайёрлаш
- 42-мавзу. Гўшт (мол, қўй, товук) ва балиқ маҳсулотларидан таом тайёрлаш
- 43-мавзу. Миллий палов тайёрлаш технологияси
- 44-мавзу. Дўлмалар тайёрлаш технологияси
- Амалий машғулотлар мультимедиа курилмалари билан жиҳозланган

аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

IV. Лаборатория машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

(Технология ва дизайн. Металл ва металлмас буюмларни тайёрлаш технологияси.)

Лаборатория машғулотлари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1-мавзу. Технология ва дизайн фанининг мақсади ва вазифалари. Технология ва дизайн тушунчаси. Технология ва дизайн фанининг назарий асослари, ишлаб чиқаришда янги техника ва илғор технологиялар билан талабаларни ўрганиш.

2-мавзу. Фан техника тараққиётини жадаллаштириш омиллари ва истиқболларини ўрганиш.

3-мавзу. Ишлаб чиқаришда буюмлар тайёрлашнинг функционал вазифаларини ўрганиш..

4-мавзу. Ёғоч хомашё тайёрлаш тўғрисида асосий тушунчалар. Буюм ясаш технологияси ва ясалган буюмнинг сифати, ишлатилган материалнинг хоссаларига боғлиқлиги ни ўрганиш.

5-мавзу. Конструкцион материал сифатида қурилишда, мебел ва дурадгорлик буюмларида, спорт буюмларида, мусиқа асбобларида, рўзғор асбоб анжомлари ишлаб чиқаришда буюмларга хомашё танлашни ўрганиш.

6-мавзу. Россия ва узок шарқ ерларида ўстириладиган дарахтдан тайёрланган ёғоч турлари ва хомашёси, уларнинг ўрнини босадиган маҳаллий дарахт турлари, маҳаллий дарахт турлардан тайёрланган ёғоч хомашёларни ўрганиш.

7-мавзу. Маҳаллий дарахт турлардан тайёрланган ёғоч хомашёларни олиш, сақлаш, ишлаб чиқаришни ўрганиш.

8-мавзу. Ёғоч хомашёнинг мусаҳкамлиги, қаттиқлиги, қайишқоқлиги, пластиклиги, мўртлиги ва сифатига қўйиладиган талабларни ўрганиш.

9-мавзу. Ёғочдан тайёрланадиган буюмлар ва маҳсулотларга хомашё танлаш ва тайёрлашда ёғоч материалларнинг хоссалари ва ишлатилишини ўрганиш.

10-мавзу. Ёғоч хомашёдаги нуқсонларни аниқлаш ва уларни бартараф этишни ўрганиш.

11-мавзу. Ёғоч хомашё танлашда ёғоч турларини груҳларга бўлишни ўрганиш.

12-мавзу. Танланган хомашёнинг ҳар хил михларни ушлаб туриш хусусиятларини ўрганиш.

13-мавзу. Ёғочни қуриштириш тўғрисида асосий маълумотлар, ёғочни қуриштиришнинг асосий мақсади, ёғочни очик жойда қуриштиришни ўрганиш.

14-мавзу. Очик жойда қуриштиришни ташкил этиш ва амалга ошириш, очик жойда қуриштириш усулларининг авзаллиги ва камчиликларини ўрганиш.

15-мавзу. Ёғочни сунний қуриштириш, сунъий қуриштириш турлари, қуриштириш камералари ва сушилкаларнинг хиллари, улардан фойдаланиш механизмларини ўрганиш.

16-мавзу. Конструкцион материал сифатида қурилишда, мебел ва дурадгорлик буюмларида, халқ хўжалиги ва рўзғор асбоб-анжомлари ишлаб чиқаришда

буюмларга хомашё танлашни ўрганиш.

17-мавзу. Чўян, пўлат ва рангли металлдан тайёрланган қуймаларни ўрганиш.

18-мавзу. Болғаланган ва штампланган хомашёни ўрганиш.

19-мавзу. Пўлатдан совутилган ва қиздирилган ҳолларда тайёрланган прокатлар ва рангли металл прокатлари.

20-мавзу. Хомашёнинг турлари, материалга, шаклига, деталнинг хизмат вазифасига ва машиналарда йиғилган ҳолда ишлаш шарт-шароитларига боғлиқлиги. Шаклдор деталлар тайёрлаш жараёнида чўзилиш ва эгилиш таъсирида ишлатиладиган чўянларни ўрганиш.

21-мавзу. Болғалаш ёрдамида эгилишга, чўзилишга буралишга ишловчи ва кўндаланг кесими бўйича ўлчамларида фарқ бўлган металл хомашёларни ўрганиш.

22-мавзу. Катта ўлчамли деталлар учун донали ва кичик серияли ишлаб чиқариш шароитида ёки бошқа ҳолларда кичик деталлар учун хомашё танлашни ўрганиш.

23-мавзу. Штампланган хомашё, туника. Айлана, квадрат, олти бурчакли прокатлардан тайёрланган хомашё танлашни ўрганиш.

24-мавзу. Юқори молекуляр кимёвий бирикмали полимерлар, синтетик смолалар. Полимерланиш смолалари термопластик, терморреактив пластмассали буюмлар тайёрлашда ишлатиладиган хомашёни ўрганиш.

25-мавзу. Қурилишда ва мебеллар ишлаб чиқаришда табиий ҳолида ёки қайта ишланган ҳолида қўлланиладиган смолалар, бакелитланган фанерлар, ёғоч-қатламли ва қоғоз-қатламли пластиклар тайёрлашда ишлатиладиган хомашёни ўрганиш.

26-мавзу. Фенопластлар тайёрлашда ишлатиладиган поликонденсациялашган синтетик смолаларни танлашни ўрганиш.

27-мавзу. Резорсин-формалдегид смола, карбомид смолалар, полиэфир смолалар, эпоксид смолалар таркиби ва хоссалари, буюмлар тайёрлашда уларни ишлатилиш соҳаларини ўрганиш.

28-мавзу. Саноат ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, заргарлик буюмлари, маиший уй рўзғор буюмлари ва маҳсулотларни тайёрлашда хомашё ва буюмларни режалаш, ўлчаш, технологик харита тузиш, эскизлар тайёрлаш ва технологик конструкциялашни ўрганиш.

29-мавзу. Саноат ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, заргарлик буюмлари, маиший уй рўзғор буюмлари ва маҳсулотларни тайёрлашда хомашё технологик жараёнларни лойиҳалаш технологиясини ўрганиш.

30-мавзу. Ёғоч материалларини йўнишда ишлатиладиган қўл асбобларни тузилиши ва ишлатиш технологик жараёнларини ўрганиш.

31-мавзу. Ёғоч материалларини йўниш станоклари ва электр қурилмаларни тузилиши ва уларни ишга созлаш технологияси. Ёғоч материалларини йўнишда меҳнат ҳавфсизлиги қоидаларини ўрганиш.

32-мавзу. Бирикмали деталлар тайёрлаш, конуссимон, шаклдор ва фасон юзалар ҳосил қилиш ҳамда ишлов бериш технологиясини ўрганиш.

33-мавзу. Керамик композицион материаллар ишлаб чиқарилиши ва қўлланилишини ўрганиш.

34-мавзу. Резина турлари, таркиби хоссаси ва ишлатилишини ўрганиш.

35-мавзу. Елимловчи материалларнинг таркиби, уларнинг классификацияси ва ишлатилиши.

36-мавзу. Полимерли плёнкалар ва уларнинг турлари. Смола шимдирилган қоғоз асосли пардозлаш материаларини ўрганиш.

37-мавзу. Локларни қиздириб пуркаш ва бунда ишлатиладиган асбоб-ускуналарни ўрганиш.

38-мавзу. Парда қатламлари хосил бўлиш жараёнлари. Учувчан эртувчиларнинг буғланиш хисобига қопламаларнинг қотишни ўрганиш.

39-мавзу. Пластмассалардан деталлар тайёрлаш технологиясини ўрганиш.

40-мавзу. Композицион материалларга ишлов бериш технологиясини ўрганиш.

(Сервис хизмати. Тикувчилик буюмларини тайёрлаш технологияси ва пазандачилик асослари.)

1-мавзу. Ошхонада кийиладиган кийимларнинг бичилган бўлакларига ишлов бериш, кийдириб кўришга тайёрлаш.

2-мавзу. Ўғил болалар кийимларнинг бичилган бўлакларига ишлов бериш, кийдириб кўришга тайёрлаш.

3-мавзу. Қиз болалар кийимларнинг бичилган бўлакларига ишлов бериш, кийдириб кўришга тайёрлаш.

4-мавзу. Аёллар кийимларнинг бичилган бўлакларига ишлов бериш, кийдириб кўришга тайёрлаш.

5-мавзу. Эркалар кийимларнинг бичилган бўлакларига ишлов бериш, кийдириб кўришга тайёрлаш.

6-мавзу. Суюқ таомлар тайёрлаш жараёнини ўргатиш

7-мавзу. Сабзавотлардан таомлар тайёрлашни ўргатиш

8-мавзу. Тухум ва творогдан таомлар тайёрлашни ўргатиш

9-мавзу. Балиқдан таомлар тайёрлашни ўргатиш

10-мавзу. Гўштдан таомлар тайёрлашни ўргатиш

11-мавзу. Яхна таом ва тамаддиларни тайёрлаш жараёнини ўргатиш

12-мавзу. Ширин таомларни тайёрлашни ўргатиш

13-мавзу. Иссиқ ва яхна ичимликларни тайёрлашни ўргатиш

14-мавзу. Хамир маҳсулотлари ва таомларини тайёрлаш жараёнини ўргатиш

15-мавзу. Дастурхон тузаш қоидалари ўргатиш

16-мавзу. Пархез таомларини тайёрлашни ўргатиш

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

(Технология ва дизайн. Металл ва металлмас буюмларни тайёрлаш технологияси.)

1. Ўзбекистонда халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчиликнинг ривожланиши.

2. Кандакорлик санъати. Кандакорлар томонидан тайёрланган миллий идишлар.

3. Амалий санъат мактаблари ва улардаги ўзига хосликлар.

4. Амалий санъатда наққошликнинг ишлатилиш соҳалари ва турли хил амалий санъат асарларига нақш бажариш услубларидаги фарқлар.

5. Кулолчилик маҳсулотларини тайёрлаш жараёни ва уларда маҳаллий ўзига хосликларнинг акс этиши
6. Кандакорлик санъати. Кандакорлар томонидан тайёрланган миллий идишлар.
7. Ёғоч ўймакорлигида тайёрланган устунларда қўлланилган нақшлар турлари ва уларнинг таҳлили.
8. Ганч ўймакорлигида безаш ишларини бажаришда ранглардан фойдаланиш ва нақшлар таҳлили.
9. Заргарлик маҳсулотларидаги безакларнинг турлари ва улардаги рамзий маънолар.
10. Темур ва Темурийлар даврида ёғоч ўймакорлиги.
11. Тошкент ўймакорлигининг Хива ўймакорлик мактабидан фарқи.
12. Ёғоч ўймакор усталаридан кимларни биласиз.
13. Композиция. Композицияда ранг, шакл ва ритм.
14. Белги ва рамзлар. Уларнинг аҳамияти, ишлатилиш соҳалари. Таълим муассасаларида қўлланиладиган белги ва рамзлар.
15. Ўзбекистонда бадиий лойиҳалаш ва дизайннинг ривожланиш.
16. Буюмларни бадиий лойиҳалаш ва унга миллийлик компонентларининг таъсири.
17. Ёғочга ишлов бериш устахонасининг жиҳозланиши ва иш ўринларининг ташкил этилиши.
18. Ёғочга ишлов бериш устахонасининг жиҳозланиши ва иш ўринларининг ташкил этилиши.
19. Дарахтлар. Ёғоч материалларни турлари ва унинг технологик хусусиятлари.
20. Ёғоч материалларига ишлов беришда режалаш.
21. Ёғоч материалларни арралаш.
22. Ёғоч материалларини йўниш ва йўниш технологияси.
23. Бирикма тайёрлаш технологияси.
24. Ёғочларни пардозлаш усуллари ва пардозлашда ишлатиладиган материаллар.
25. Пардозлаш материалларнинг турлари ва таркибий қисмлар.
26. Парда ҳосил қилувчи моддалар ва улар асосида олинган пардозлаш материаллари.
27. Плёнка ва лист кўринишидаги пардозлаш материаллари.
28. Ёғоч ва ёғоч материалларни пардозлаш технологияси.
29. Елимловчи материалларни классификацияси.
30. Елимловчи материалларнинг таркиби, уларнинг классификацияси ва ишлатилиши.
31. Полимерли плёнкалар ва уларнинг турлари. Смола шимдирилган қоғоз асосли пардозлаш материалларини ўрганиш..
32. Локларни қиздириб пуркаш ва бунда ишлатиладиган асбоб-ускуналарни ўрганиш.
33. Парда қатламлари ҳосил бўлиш жараёнлари. Учувчан эритувчиларнинг буғланиш ҳисобига қопламаларнинг қотишни ўрганиш.
34. Пластмассалардан деталлар тайёрлаш технологиясини ўрганиш..
35. Композицион материалларга ишлов бериш технологиясини ўрганиш.
36. Шишанинг тузилиши, таркиби, хоссаларини ўрганиш.

37. Керамика ва электротехник материалларга ишлов бериш технологиясини ўрганиш..

38. Пластмассалардан деталлар тайёрлаш технологиясини ўрганиш.

39. Электр монтаж ишлари, уларда фойдаланиладиган асбоблар турлари ва тузилишини ўрганиш.

40. Термопластик ва терморреактив пластмассаларни ўрганиш.

(Сервис хизмати. Тикувчилик буюмларини тайёрлаш технологияси ва пазандачилик асослари.)

1. Ўғил болалар кийимлари учун фасон ва газлама танлаш, андаза тайёрлаш, андазага фасон чизиқларини киритиш, андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш, технологик харита яратиш.
2. Қиз болалар кийимлари учун фасон ва газлама танлаш, андаза тайёрлаш, андазага фасон чизиқларини киритиш, андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш, технологик харита яратиш.
3. Аёллар кийимлари кийимлари учун фасон ва газлама танлаш, андаза тайёрлаш, андазага фасон чизиқларини киритиш, андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш, технологик харита яратиш.
4. Эркаклар кийимлари кийимлари учун фасон ва газлама танлаш, андаза тайёрлаш, андазага фасон чизиқларини киритиш, андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш, технологик харита яратиш.
5. Аёллар кийимларини мураккаб фасондаги кийимлари кийимлари учун фасон ва газлама танлаш, андаза тайёрлаш, андазага фасон чизиқларини киритиш, андазани газламага жойлаштириш, бичиш ва тикиш, технологик харита яратиш.
6. Суяк таомлар тайёрлаш жараёнини технологияси.
7. Сабзавотлардан таомлар тайёрлашни технологияси.
8. Тухум ва творогдан таомлар тайёрлашни технологияси.
9. Балиқдан таомлар тайёрлашни технологияси.
10. Гўштдан таомлар тайёрлашни технологияси.
11. Яхна таом ва тамаддиларни тайёрлаш жараёнини технологияси.
12. Ширин таомларни тайёрлашни технологияси.
13. Иссиқ ва яхна ичимликларни тайёрлашни технологияси.
14. Хамир маҳсулотлари ва таомларини тайёрлаш жараёнини технологияси.
15. Дастурхон тузаш қодалари технологияси.
16. Пархез таомларини тайёрлашни технологияси.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан тайёр маҳсулот, технологик харита тайёрлашлари ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

3. VI. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклландиган компетенциялар)
 Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:

- дизайн ва бадий лойиҳалашнинг турмушдаги ва меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий фаолиятидаги аҳамияти, буюмларни бадий лойиҳалаш методлари, белги ва рамзлар, саноат графикаси асослари, ҳажмли макет тайёрлаш асослари бўйича
- тикувчилик буюмлари учун газлама танлаш, андаза тайёрлаш, бичиш ва тикиш ҳақида;

	<p>- Ўзбекистонда етиштириладиган ва ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларини турларини, сақлаш шароити ва муддатларини, озиқ-овқат маҳсулотларига иссиқлик ишлови бериш усулларини, маҳсулотларга иссиқлик ишлови беришда қўлланиладиган замонавий жиҳозлар, ўзбек миллий таомлари турларини ва уларни тайёрлаш жараёнини, тайёрлаш жараёнини, таомларни тайёрлашда иш жойини ташкил этиш, санитария – гигиена қоидалари ҳақида тасаввур ва билимга эга бўлиши;</p> <p>- Ўзбекистонда замонавий санъат ва миллий ҳунармандчилик мактаблари ва уларни ривожланиш тарихи, ўзига хос хусусиятлари, наққошлик санъати, нақш турлари ва улардаги рамзий маънолар, нақшларни бажариш босқичлари ва нақшни тахт қилиш;</p> <p>- тикувчилик буюмлари учун газлама танлаш, фасон танлаш андаза тайёрлаш, андазага фасон чзиқларини киритиш, бичиш ва тикиш;</p> <p>- озиқ-овқат маҳсулотларини турларини, озиқ-овқат маҳсулотларига бирламчи ишлов бериш ва ярим тайёр масаллиқлар тайёрлаш, маҳсулотларга иссиқлик ишлови бериш усулларини, тайёр таомларни дастурхонга тортиш қоидаларини, турли маросимларда дастурхон тузаш тартибларини, пархез таомларининг турлари ва тайёрлаш жараёни, овқат тайёрлаш санитария ва гигиенаси малакаларини шакллантириш кўникмаларига эга бўлиши керак;</p> <p>- талаба дизайнерлик амалий санъатида ишлатиладиган кесувчи асбобларининг тузилиши ишлаш жараёнларни таҳлил қилиш усулларини қўллай олиш;</p> <p>- тикувчилик буюмлари учун газлама танлаш, фасон танлаш андаза тайёрлаш, андазага фасон чзиқларини киритиш, бичиш, бичилган бўлакларга ишлов бериш, кийимга НИИБ ва тикиш;</p> <p>- иш жойини тўғри ташкил этишни, хавфсизлик қоидаларини тўғри бажаришга эътибор беришни, озиқ-овқат маҳсулотларидан тежамкорлик билан унумли фойдаланишни, талабаларда меҳнатсеварликни, бадий дидни, ижодий қобилият ва ақл фаросатни тарбиялашни, миллий ғурурни, миллий урф–одатларга ҳурмат эътиборни шакллантиришни, ўқитишда изчиллик ва кетма–кетликка риоя қилишни, ўз устида тинимсиз ишлашни, янгиликларни қизиқиб ўрганиб бориш малакаларига эга бўлиши керак.</p>
<p>4.</p>	<p>VII. Таълим технологиялари ва методлари:</p> <p>тезкор савол-жавоблар; гуруҳларда ишлаш; тақдимотларни қилиш; индивидуал лойиҳалар; буюм ва маҳсулот тайёрлаш; жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар.</p>
<p>5.</p>	<p>VIII. Кредитларни олиш учун талаблар:</p> <p>Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат шакларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш.</p>

6. Асосий адабиётлар

1. Garfield Simon. Just my type: a book about fonts. – London, 2010, 352 pp.
2. Paul Hughes, Ghislaine van Drunen. Dynamik identities. How to create a living brand. – Amsterdam, 2012, 48 p.
3. Шоёқубов Ш.К. Ўзбек халқ амалий-безак санъати. – Т.: 2009
4. Шоёқубов Ш. Замонавий Ўзбекистон миниатюраси. – Т.: 2006
5. З.Давлетшева. Тикув буюмларини тайёрлаш технологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент “Сано стандарт” нашриёти 2017 йил.
6. Гаипова Н.С.ва бошқалар. Тикувчилик технологияси асослари. Ўқув қўлланма. Т.: “Адабиёт” 2006 йил.
7. М. Мўминова. Овқат тайёрлаш жараёни. Ўқув қўлланма. Т.: Адабиётлар жамғараси, 2006
8. У.Ахроров. Таом тайёрлаш технологияси. Ўқув қўлланма. Т.:Шарқ, 2008
- В.Н.Долгунин, П.А.Иванов, В.А.Пронин „Методи научно– технического творчества” ФГБОУ ВПО „ТГТУ” 2014 йил.
9. Абдуллаева Қ.М. Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш асослари. Ўқув қўлланма. Т.: “Адабиёт” 2006 йил.
10. М. Мўминова, М.А.Максумова. Овқат тайёрлаш технологияси ва озиқ-овқат товаршунослиги - Т.: “Илм зиё”, 2012
11. В.Г. Василев ва бошқ. Озиқ -овқат технологияси асослари. – Т.:”Ворис-Нашриёти”, 2012
12. Т.Худойшукуров ва бошқ. Овқатланиш маҳсулотларни ишлаб чиқариш асослари.Т.:”Таълим нашриёти”, “Иқтисод-Молия”, 2009

Қўшимча адабиётлар

12. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.- Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2016 йил.. -56 б.
- 13.Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши шарт”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2018 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. - Тошкент.: 2018 йил.. -104 б.
- 14.Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз”. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2018 йил.. -486 б.
- 15.Арзимуродова М.С., Аноркулова Г.М., Қаюмова Ф.Е. Аёллар миллий кўйлагини бичиш ва тикишни ўқитиш бўйича ўқув-услубий тавсиянома. Т.: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ. 2007. – 60 б.
16. Мирбобоев В.А. “Конструкцион материаллар технологияси” Т.: «Ўқитувчи» 2004 йил..
17. Д.Д.Зупарова, Н.Н.Каримова ”Дизайн тарихи” 2015 йил

Ахборот манбаалари

18. www. tdpu. Uz

	<p>19. www.pedagog.uz 20. www.Ziyonet.Uz 21. www.edu.Uz 22. tdpu-INTRANET.Ped 23. www.legprominfo.ru</p>
7.	<p>Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2020 йил “___” _____ даги ___ -сонли баённомаси билан маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “___” _____ даги ___ - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.</p>
8.	<p>Фан/модуль учун маъсулар: Ғ.Абдуқодиров – ТДПУ, Технологик таълим кафедраси катта ўқитувчиси Х.Б.Мухамедова - ТДПУ, Технологик таълим кафедраси ўқитувчиси Х.Т.Тўлкинова- ТДПУ, Технологик таълим кафедраси ўқитувчиси</p>
9.	<p>Такризчилар: М.Мухлибобоев - п.ф.н., доц ГУЛДУ технологик таълим кафедраси мудири В.Н.Сатторов - ТТЕСИ педагогика ва жисмоний маданият кафедраси доценти</p>

Узлуксиз таълим тизимида “Маҳсулотлар тайёрлаш технологияси” фан дастурининг мазмун моҳияти, мавзуларининг мантиқий кетма-кетлиги ва узвийлиги таъминланган ҳолда, ҳамда таълим олувчиларда шаклланиши зарур бўладиган билим, кўникма ва компетентликлар даражасини аниқ белгилаш ишлари амалга оширилган